

## **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА БИТТА ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН**

**Бахранов Шерзод Таштурсунович,**

*E-mail: [Sherofkun82@mail.ru](mailto:Sherofkun82@mail.ru) Тел. (97) 402-94-48*

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги университети,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Тошкент, Ўзбекистон УДК: 930.253

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон ССР даврида сабзавот экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институтини яратиш зарурлиги ҳақида сўз боради ва унинг Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалиги фанини ривожлантиришда муҳим бўлган фаолияти батафсил баён этилган. Мақолада институтнинг қишлоқ хўжалигига оид тадқиқотлари натижалари, шунингдек, ўсимликчилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини ривожлантириш бўйича бошқа илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро алоқалари таҳлил қилинади.

**Калит сузлар:** илмий-тадқиқотинститути, кадрлар, ходимлар, сиёсат, фан, халқ, тадқиқот, марказ, ваколат, селекция, ёқиш, лаборатория, хомашё.

### **ИЗ ИСТОРИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА В УЗБЕКСКОЙ ССР**

**Аннотация:** В данной статье говорится о необходимости создания в период Узбекской ССР научно-исследовательского института овощных культур и картофеля, подробно раскрывается его деятельность, которая имела важное место в развитии сельскохозяйственной науки в Узбекской ССР, анализируются результаты исследования данного института в вопросах сельского хозяйства, а также его взаимодействие с другими исследовательскими институтами по развитию растениеводства и других сельскохозяйственных культур.

**Ключевые слова:** научно-исследовательский институт, станция, посевные работы, сорта волокна, исследования, центр, персонал, хлопок, селекция, посев, лаборатория, сырье.

**Кириш.** Совет давлати ҳукмронлиги йиллари ҳукумат илм – фан ривожланишига маълум даражада маблағ ажратган. Фан ва техниканинг ривожланиши давлат сиёсатининг ғоявий рағбатлантириш берилган асосий йўналиши бўлди. Фан ва техника бутун совет давлати ҳукмронлиги йилларида кенгайиб ривожланиб борди. Ўзбекистон ССР даврида сабзавот экинлари ва картошка илмий-тадқиқот

институтини яратиш зарурлиги ва унинг Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалиги фанини ривожлантиришда муҳим ўрни бўлган.

**Мавзуга оид адабиётларни таҳлили.** Мақолани ёзишда, асосий манба сифатида совет давридаги А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланган материал ва бошқалар хизмат қилади. Даврий нашрлар асосида СИКП Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР худудидаги қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва илмий тадқиқотлар, институт соҳасидаги фаолияти бўйича қатор масалалар кўриб чиқилган. Институт фаолияти, соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи қатор ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган масалалар ва таклифларнинг ечимлари ёритилади.

**Тадқиқот усуллари.** Мавзуни ёритишда материалларини тизимли таҳлил қилишга асосланган, объективлик, тарихий изчиллик каби тарихий усуллар тўплами қўлланилади.

**Тадқиқод натижалари.** Ўзбек сабзаёт-картошка тажриба станцияси 1933 йилда ташкил этилиб, 1957 йилларда Ўзбекистон ССРнинг колхоз ва совхозларида пиёзнинг 3 тури, сабзининг 3 нави, 14 та қовун нави экила бошлади. Гибрид усули билан 2 та засолочный бодрин, помидорнинг 4 тури навлари экила бошлади. Жами бундай навларнинг 48 та сорти ишлаб чиқилди, уларнинг 37 нави Ўзбекистон ССР худудларида экила бошлади, 11 та нави давлат сортiroваниясидан ўтди. Картошканинг иссиқ худудларига мўлжалланган навлари ишлаб чиқилди. Ўрганилган 2000 сортдан 14 таси Ўзбекистоннинг специфик хусусиятларига тўғри келди. Уларнинг 7 та нави районлаштирилди, еттитаси ҳам истиқболли деб қабул қилинди. Институт ходими, селекционер Обидов томонидан картошканинг истиқболли Обидов -1, Обидов – 2, навлари яратилиб, 1957 йилда давлат тури тажрибасидан ўтказилди.[1; с. 78].

1960 йилга келиб Ўзбек сабзаёт-картошка тажриба станцияси асосида Сабзаёт-полиэ экинлари ва картошка Ўзбекистон ССР илмий – тадқиқот институти ташкил этилди.

Институт Ўрта Осиё-да сабзаёт-полиэ, картошка етиштириш ва маҳсулотлар сифатини оширишга ихтисослигига асосланган ягона илмий-тадқиқот маркази бўлиб қолди. Институтда 12 та лаборатория, илмий -техник информациялар гуруҳи, ташвиқот ва илмий янгиликларни амалиётга жорий этиш билан ҳам шуғулланди.

Институт қошида республиканинг Андижон, Бухоро, Қарши, Сирдарё, Самарқанд, Сўз, Термиз, Хоразм вилоятларида саккиста таянч пунктлар ишлаб турди ишга туширилди. Институтда 80 нафар илмий ва 125 илмий – техник

ходимлар ишлаб турди.[2; с. 3.]. Институтда 100-120 нафар кишидан иборат сабзавотчиларнинг томорқа мактаби ишлаб турди. Институтнинг тажриба базаси 440 га. тажриба майдо-нига эга бўлиб, у ерда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди, уруғларнинг суперэлита навлари билан ишлар олиб борилди.

Агротехника лабораторияси республиканинг сувли, тупроқ иқлим шароитларига қараб агротехник тадбирларни таҳлил қилди. Лабораторияда сабзавот полиз экинлари экилган ерларни тайёрлаш тизими ишлаб чиқилди.

Илмий ходимлар томонидан эрта пишар ҳосил олиш учун янги тавсиялар ишлаб чиқилди. Пленка остига экиш ишлари бўйича берилган тавсиялар асосида республика колхоз ва совхозларига қарашли 1-1,5 минг га. ерларда 20-25 минг т. ҳосил олинди. [3; с. 4.].

Картошка етиштириш лабораторияси картошканинг эрта пишар навларини ўрганди. Республиканинг иқлим шароитларига қараб экиладиган картошка навлари ўрганиб чиқилди. Картошканинг 2000 навлари ўрганиб чиқилди. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида картошканинг 200 нави ўрганилди. Механизация лабораторияси сабзавот, полиз экинлари, картошка экинлари механизациялашган технологияларини ўрганди. Сабзавот – полиз, картошка экинлари экиладиган ерларда машина ва ускуналар тажрибадан ўтказиб турилди. Тракторларнинг буғдой -сабзавот йиғиштирадиган СОД-24, СОН-2, 8, рассадопосадочные машиналар бўлган – СРН-4, НРМ – 4, картофелесажалка СК – 2, КП – 2, СКГ – 4.[4; с. 5.].

Институтнинг муҳим янгиликларидан бири ТИИИМСХ кафедраси ходимлари билан бирга СЛН-8 трактори орқали саримсоқ экиш тажрибаси амалга оширилди. Институт ходимлари томонидан Ўзбекистонда сабзавот – полиз, картошка экинлари экиш мумкин бўлган ҳудудларнинг харитаси ишлаб чиқилди. Бу карталар 1966-1970, 1971-1975, 1976-1980, 1981-1985 йилларга мўлжалланди. Сабзавот ва полиз экинлари селекцияси лабораторияси маҳаллий сабза-вот, полиз маҳсулотларининг навларини яхшилашнинг илмий томонларини ўрганиб, механизацияга чидамли, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли бўлган навларни ўрганиб, уларни ҳосилдорлигини ошириш, юқори сифати таъминлашни ўрганишдан иборат бўлди.

Институт селекция йўли билан 75 та янги сабзавот ва полиз экинларининг навларини ишлаб чиқди, уларнинг 28 таси районлаштирилди, бу 54 фойзни ташкил этди. 1980 йилларда янги навбатларинг 8 таси давлат назоратидан ўтди. Томат бўлимида маҳаллий навларни селекция ёрдамида янги помидорнинг Буденовка, Бозор сеҳри (Чудо рынок), Марглоб, Спарк Эрлмана, Бизон,

Методом, гибрид усули билан Эрта УзОКОС, Гибрид – 88, Ҳосилдор, Ташкентский, Гибрид 409 ва бошқа ҳосилдорлиги юқори бўлган помидор навлари ихтиро қилинди. Селекционер К.Р.Юсупов усули билан Бозор сеҳри билан Марглобнинг чатиштирилган навларидан ,катта мева берадиган Юсупов 40 нави ихтиро қилинди ва 1965 йилдан бошлаб районлаштирилди. 1963 йилдан консервага мослаштирилган, юқори ҳосилли, таъми ширин, механизацияга мослаштирилган навлар қўлланила бошлади. Шунингдек, Восток – 36, юқори ҳосилли Октябрь, эрта пишар Ўзбек, Равшан ва Узмаш ҳамда катта ҳосилли Ўзбекистон ва Прогресс 202 навлари ҳам экила бошлади.

Булғор қалампири ва бақлажоннинг ҳам янги навлати ишлаб чиқилди. Ширин таъмли Болгарский 79, аччик таъмли Марғилон 330 навлари экила бошлади. Бақлажонни селекция қилиш билан катта ҳосилли, сиёҳрангли Болгарский 87 нави ҳам ишлаб чиқилди.

1979 йилда иссиққа чидамли, паст бўйли Е.В. Ермолованинг селекция йўли билан олган Тошкент нави, 1980 йилда Аврора навлари ишлаб чиқилди. [5; с. 7.]. Узоқ йиллик тажрибадан сўнг карамнинг янги навлари ишлаб чиқилди. Узоқ вақт сақланадиган ва қайта ишланадиган (тузлаш) Дружба 111, Восточная 130, Узбекистанская 133 навлари районлаштирилди. 1980 йилларда карамнинг янги навлари, узоқ сақланадиган, иссиққа чидамли эртапишар, кечки пишадиган навлари устида ишланди. Натижада кечки пишар – Саодат, ўртапишар Южанка 31, Ташкентский 10 навлари ишлаб чиқилди.[6; с. 8.].

Пиёзнинг районлаштиришга тавсия этилган Самарқанд сиёҳранг 176, Фаробий 167, Андижон оқ, Марғилон навлати селекция йўли билан Каба 132 навлари ихтиро қилинди. Самарқанд сиёҳранг ва фаробий навлати селекцияси орқали элита навлар ҳам ихтиро қилинди.[7; с. 18.].

Савзининг Ўзбекистонда кенг тарқалган Мирзои сариқ, Мирзои қизил ва Мшак навлари қайта ишланди. А.Г.Никулина ихтироси билан Мирзои сариқни узунлаштирилган сариқ рангли берилган цилиндр шаклидаги нави ихтиро қилинди. Мирзои қизилга коническая форма ва олвранг – қизил ранглари билан ихтиро қилинди. Калта думалок шаклдаги Мшак 195 нави касалликларга қарши, узоқ турадиган навлари ўрганиб чиқилди. Шунингдек, селекция йўли билан, ҳосили яхши бўладиган, эрта экиладиган ва ёзда ҳам сақланадиган Камбарг А-2 навлари ўрганилди ва экишга тавсия этилди.[8 с. 13.].

Бодриннинг салат қилишга мўлжалланган, узун шаклдаги Марғилон 822, калта навли Узбекский 740 навлари ўрганилди. Эртапишар Ташкент 86, жуда тез пишадиган Ранний 640, Гибрид- 7 ва Фарғона Чиллаки навлари ўрганилди.

Гибрид йўл билан тузлашга мўлжалланган Ўзбекистонда биринчи – 265, Қўйлик – 262 навлари ихтиро қилинди. А.Аббасовнинг Плодовитый 45 ва Марғилон 822 навларини чатиштириш йўли билан Ҳосилдор нави ихтиро қилинди ва давлат текширув назоратига топширилди.[9 с. 8].

Институт томонидан сабзавотларнинг бошқа навлари ҳам ўрганилди. Кабачокнинг Греческий 110 навлари ишлаб чиқилди.

Полиз экинлари бўйича республика ҳудудлари аввал ўрганиб чиқилди. Қовуннинг маҳаллий навлари ўрганиш ва гибрид йўли билан янги навлар олинди. 1980 йилга қадар қовуннинг 20 та, тарвузнинг 5 нави, қовоқнинг 2 та нави селекция йўли билан ўрганилди ва районлаштирилди. Улардан селекция йўли билан элита навлари яратилди. Японияда етиштириладиган кутама ва Куруме навларини донор сифатида олиниб, маҳаллий ичи қизил бўлган “Ич қизил”, “Турманнча”, “Шакар палак”, ичи оқ бўлган Тошлоқ, Қўй бош, Шакар палак, катта “Ич қизил” селекция йўллари ихтиро қилинди.

1987 йилда тарвузнинг “Қирол”, “Куби – 92”, “Оқ узун 107”, “Қўзибой – 30” навларини Хоразмнинг кечаишар навлари билан чатиштирилиши натижасида “Гулистон” нави ихтироқ қилди ва давлат тажрибасига топширилди.

Уруғчилик лабораторияси сабзавот ва полиз маҳсулотларининг элита нав уруғларини ихтиро қилиш устида иш олиб борди. Натижада олий навли сабзавот полиз маҳсулотларида ишлаб чиқаришга топширилди.

Шунингдек, институтда ерни ҳимоялаш лабораторияси, сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва иқтисод лабораторияси, агрохимё лабораторияси, сифат лабораторияси, физиология лабораторияси ўсимликларни ҳимоя қилиш усуллари лабораторияси ишлаб турди фаолият олиб борди.

**Хулоса.** Шундай қилиб, юқоридаги далилларга асосланиб, ишонч билан айтишимиз мумкинки, ушбу институтнинг ташкил этилиши илмий тадқиқот мақсадлари учун зарур эди, чунки бу даврда совет ҳукумати олдида турган муҳим масалалардан бири Ўзбекистон ССР ҳудудларини жадал ривожлантириш эди. Институтнинг тадқиқот фаолияти натижалари Совет ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича қўйилган мақсадларни оқлашини исботлади.

#### **АДАБИЁТЛАР.**

1. В научно-исследовательских учреждениях // Сельское хозяйство Узбекистана. 1957, - №7, - с. 78.
2. Захаренко В.А., Новожилов К.В., Павлюшин В.А. К 75-летию образования Российской Академии Сельскохозяйственных наук этапы развития фита-

- санитарной науки в системе Академии // Вестник защиты растений, 2, 2004. – с 3.
3. Узбекский научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофеля. – Ташкент. Упр. Пропаганды и внедрения достижений науки, техники и передового опыта МСХ УзССР, 1983. – с. 4.
  4. Узбекский научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофеля. – Ташкент. Упр. Пропаганды и внедрения достижений науки, техники и передового опыта МСХ УзССР, 1983. – с. 5.
  5. Узбекский научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофеля. – Ташкент. Упр. Пропаганды и внедрения достижений науки, техники и передового опыта МСХ УзССР, 1983. – с. 7.
  6. Узбекский научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофеля. – Ташкент. Упр. Пропаганды и внедрения достижений науки, техники и передового опыта МСХ УзССР, 1983. – с. 8.
  7. Хусанов Р. Изланиш, натижа, истиқбол // Совет Ўзбекистони. 1989. - Б.18.
  8. Олим ва пахтакор – бир сафда // Совет Ўзбекистони 1977. – с.13.
  9. Узбекский научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофеля. – Ташкент. Упр. Пропаганды и внедрения достижений науки, техники и передового опыта МСХ УзССР, 1983. – с. 8.